

Салавотсиз дуо кўтарилмайди



09:27 / 01.05.2025 1914

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Бу киши: «Набий соллаллоху алайҳи васалламга салавот айтилмаган дуо кўтарилмасдан, ер билан осмон орасида тўхтаб туради», деганлар. Имом Термизий ривоятлари.

Уламолар, дуони Аллоҳга ҳамд ва сано, сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга салавот айтиш билан бошлаш ва тугатиш маҳбуб амалдир, деб айтишган.

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан
Таржимон Анвар Аҳмад**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2290-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.